

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЛОҲИЙ МУҲАББАТ ВА УНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Муаллиф: Рўзиев Тоир Бобоназарович

Аннотация: Мақолада Алишер Навоий асарларидаги илоҳий муҳаббат (ишқи ҳақиқий) ва мажозий ишқ тушунчаларининг бадиий-фалсафий талқини таҳлил қилинган. Навоийнинг ишқ ҳақидаги қарашлари тасаввуф таълимоти ҳамда Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Шунингдек, ишқнинг комил инсон тарбияси, маънавий камолот ва илоҳий маърифатга эришишдаги ўрни асарлар мисолида очиқ берилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, илоҳий муҳаббат, ишқи ҳақиқий, ишқи мажозий, тасаввуф, комил инсон, маънавий камолот, бадиий талқин.

Abstract: This article examines the artistic and philosophical interpretation of divine love (ishq-i haqiqi) and metaphorical love (ishq-i majazi) in the works of Alisher Navoi. It analyzes Navoi's concept of love within the framework of Sufi thought and the traditions of classical Eastern literature. The study also highlights the role of love in achieving spiritual perfection, attaining divine knowledge, and cultivating the ideal human being through examples from Navoi's writings.

Keywords: Alisher Navoi, divine love, true love, metaphorical love, Sufism, perfect human, spiritual perfection, artistic interpretation.

Алишер Навоий ижодида илоҳий ишқ ва ошиқлик кенг ўрин олган мавзулардан. Зотан, бу мавзу барча сўфий шоирлар, чунончи, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий, Саъдий Шерозий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий ижодида ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бу эса табиийдир. Чунки Шарқ шоирлари ёр ишқи билан бирга, ҳаётга муҳаббатни, борлиқ, коинот билан ягоналик, руҳий-маънавий муштаракликларни ифода этадилар. Ишқ икки хил талқин қилинади. Алишер Навоий «ишқи ҳақиқат» ва «ишқи мажозий» деган истилоҳлар билан атаган. Илоҳий ишқ – бевосита Аллоҳга муҳаббат, мажозий ишқ – дунё гўзаллигига муҳаббат. Тасаввуф адабиётида «муҳаббат» ва «ишқ» сўзлари барабар ишлатилади, бу арабча сўзлар англатган маънолар деярли бир хил, яъни: кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилиши маъносини англатади.

Ишқ – инсон умрининг мазмуни. Яшашдан кузатилган бош мақсад ва моҳият унинг мағзида мужассам. Ишқ – илоҳий неъмат. Уни муносиб баҳоламаслик, маъносига етмаслик ўзини, умрини ерга уриш, қадрламаслик билан баробар. Ишқсиз

ўтган лаҳза – зим-зиё зулмат қаърида алаҳсирашдай гап. Ишқ ўз дарду изтироблари, армону машаққатлари билан лаззатли. Ўшалар туфайли ишқнинг мақоми баланд, мўътабар. Дардсиз ишқ – ҳаловатсиз турмуш билан тенг. Ўзининг илоҳий, мўъжизавий қудратини йўқотади. Бетайин кимсалар учун кўнгил овунчоғи, кунлик эрмак, шаҳвоний хирсу ҳавасни қондириш воситасига айланади. Бундай ишқ бемаҳал сўнган япроқ сингари ҳаёт билан эрта видолашади. Чинакам ишқ сидку садоқат, журъату жасорат, ранжу меҳнат, шижоат, фидойилик каби комил инсонга хос олижаноб фазилатлар билар эш яшайди. Жавҳари бор бундай ишқнинг Ватани – мардларнинг юрак мулки. Аҳду вафо, поклигу ростлик меваси бўлган ишқнинг тил учиди “сакраб” юриши нораво. Сўзда ифодаланиши ёлғон билан ҳамнафас. Рост ишқ қалб тубида “яшаши”, ширин азоблар исканжасида, самимият, назокат, шарқона ифбат ва ҳаёю ибодат пардасида жамол кўрсатмоғи муносиб.

Улуғ адиб кўнгил талқинини қуйидагича баён қилади: «Хусн малоҳатин идрок қилғувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлиниға ёқилғувчи ҳам кўнгул»⁹. Маърифатга интиқ инсон руҳи – кўнглининг азалий ва абадий Ваҳдатга ташналигини ишқ қондиради. Ишқ – руҳ – кўнглининг олами ғайб сари парвозида қанот, одам жисми қафасидаги руҳни Мутлақ Руҳ томон тараққий этиб боришини таъминловчи, уни илоҳий маърифатга элтувчи восита.

Илоҳий ишқнинг асосий сабабчиси бу Хусни Мутлақ – Парвардигор жамоли бокамолига эришишидир. Хусн бўлмаганда ишқнинг ўзи ҳам нишона бермас эди. Алишер Навоий талқинича, Маъшук хусндан иборатдир. Хусни Мутлақ жилваси кўнгул кўзгусида акс этади. Аммо кўнгил ишқ ўтида ўртаниб ёнмагунча Хусн Султони нуридан баҳраманд бўла олмайди.

Ишқ аён қилмоқ эрур хусн иши... Ишқ тош кўнгилларни эритиши, зоҳидни будпараст қилиши, жоҳилни раҳмдил шахсга айлантириши мумкин. Чунки ишқ-муҳаббат ақлнинг иши эмас, аксинча, бу туйғу ақлдан устунлик қилади, уни маҳв этади. Ошиқларнинг девонасифат, мажнун бўлиб қолиши шундан, чунки мажнунлик – содиқлик вафодорлик демак. Сидку садоқат, вафо бўлмаган жойда ишқу ошиқлик ҳам бўлмағай.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Хуснни нетсун кишиким, они йўқ.

⁹ Навоий А. Маҳбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б. 92.

Ишқу ошиқ – бадий сўз санъатининг доимий йўлдоши. Асрлар оша ишққа мурожаат этилади, унинг азоби ҳаловатлари ҳақида ёзилади. Ишқни қуйламаган шоир ва ишқ дарди аралашмаган шеърни топиш мутлақо мумкин эмас. У Алишер Навоийнинг: соҳир қалами билан иншо этилган “Ҳайрат ул-аброр” достонининг тўққизинчи бобида келтирилади. Мазкур боб тўлалигича ишқ баҳсига бағишланган. Унда улуғ ўзбек шоирининг юрак нидоси қуйидагича акс-садо беради:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Хусни нетсун кишиким, они йўқ...
Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга¹⁰.

Эътибор қилинг, улуғ шоир масалани жуда кескин қўяди. Унинг нафаси ўткир, қасами шиддатли ва кескир. “Ишқ бўлмаса икки жаҳон – бу дунё у дунё бўлмасин! Жазаватобора авж мақомига қўтарилади, фикрлар ҳукм ила алмашинади. Ошиқ қалб садолари лўнда мантикий ҳулосаларга айлана боради. Икки – фоний ва бақо олами бўлмас экан, жоннинг нима кераги бор?! Ошиқ қиёсий мушоҳада жиловини эркин қўйиб беради. Ишқсиз вужуд – жонсиз жисм. Модомики, ишқу жон бўлмас экан, ҳусну тароват ҳақида бош қотириш мантиқсизликдир. Улуғ шоирнинг ташбеҳларга йўғрилган жўшқин оҳанги баланд пардада давом қилади. Қўш ўхшатишу ўхшатишмишлар мисраларга бўлиқ мазмун ва оҳор бағишлайди. Ишқ дур – кўнгил дурж. Дурж – икки томони зар шокилалар билан зийнатланган, қимматбаҳо матодан тикилган - халтача – ҳамён. Кўнгил – хазина. Унда ишқ маҳфуз. Дурж – ҳамён. Унинг қадри дуру жавоҳирот билан баланд. Муҳокама майдони кенгайиб, воқеалар Ердан Самога кўчирилади. Ишқ – Қуёш, кўнгул – бурж. Табиий қонуният бузилгани йўқ. Фалак ўн икки бурждан таркиб топади. Қуёш ана шу доирада ҳаракатини давом этади. Яна, кўнгил ишқни, бурж қуёшни ўз бағрида асрайди.

Улуғ ўзбек шоири бу йўлда ягона йўлловчи эмас. Унинг ҳамдарду ҳамроҳлари кўп. Бу ўринда ўшалардан бири Алишер Навоийнинг ўз иборалари билан эслаганда, “Туркистон мулкининг шайхул-машойихи” Хожа Аҳмад Яссавий қиёсида қисқа мушоҳада юритиш билан чекланамиз. “Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, Парвардигор!”

Мазкур илтижо маънавий султон, туркий тилдаги маърифий адабиётнинг пешволаридан бири Хожа Аҳмад Яссавийнинг қалб нидосидир. Тафаккур дунёсининг буюк алломалари, жумладан, Туркистонда мангу Ватан топган улуғ руҳий арбоб ҳам ишқни ҳаётнинг мояси, ҳаракатлантирувчи кучи билади.

¹⁰ Навоий А. Маҳбубул-қулуб. МАТ. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998. – Б.85.

Алишер Навоий яна шуни ҳам алоҳида қайд этадики, ишқ шоҳу гадога баробар: «Иноди олинда тенг ҳам шоҳ ҳам гадо; бедоди қошинда бир ҳам фосиқ, ҳам порсо». Лекин ишқ кўпроқ гадоларга насиб этади, чунки подшолар, амирлар давлат, мол-дунё ишқига гирифтор. Мол-дунё жой олган кўнгилдан ёр муҳаббати, соф ишқ жой олиши қийин. Алишер Навоийнинг «ишқнома»си «Ҳайрат ул-аброр» достонида алоҳида боб бўлиб кирган. Боб «Ишқ ўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва аҳгари балокаш кўнгул парчаларидур ва бу меҳнат қаро шом анинг тутуни ва бу шомнинг мухтарик кавкаблари анинг учқунидурур. Ва ҳусн анвориким, шунча ўтқа боис, анинг баркидин бир лажъа ва мунча ҳароратқа мужиб, анинг қуёшидин бир ашиъаддурур». Биз бу ерда боб сарлавҳасини тўлиқ келтиришмимизнинг сабаби бор. Чунки сарлавҳаларда Алишер Навоий одатан бобда зикр этиладиган воқеалар ва фикрларни ихчам ҳолда баён этади. Боб сарлавҳасининг мазмунидан шоирнинг нимага диққат қилаётгани, нима ҳақда тўхтаб ўтишини бемалол англаш мумкин.

Алишер Навоийнинг ишқ ҳақидаги қарашлари «Маҳбуб ул-қулуб» асарида қуйидагича келади: «Ул (яъни, ишқ) пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан кўзғалмоқ, ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олмақ». Навоий бундай ишқни хос кишиларга насиб этиладиган туйғу деб тушунтиради ва ишқни уч қисмга ажратади: биринчиси – авом ишқи, иккинчиси – «ҳавос ишқидурким, ҳавос ул ишқда мансубдурлар, учинчиси – ҳақиқат бодасидан маст риндлар» ишқи.

Сўфий ошиқ фоний бўлиб илоҳ васлига етишиш, ўзлигидан қутулиши учун мажозий ишқ билан оғриган бўлиши керак. Ишқи мажозий худди тонг каби. Тонгдан кейин қуёш чиққандай, мажоздан кейин ҳақиқий ишқ пайдо бўлади.

Комил, пок ишқ ҳақида фикр юритилар экан, мантиқий тафаккур комил инсон тушунчасига бориб тақалади. Алишер Навоий ва Шарқнинг буюк мутафаккирлари комил инсон деганда, аввало, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломни назарда тутганлари манбаларда қайд этилади. Азизиддин Насафийнинг фалсафий мушоҳадаларига кўра, комил инсон ҳаётдан ташқари, аллақандай мвҳумий зот бўлмай, муайян шахс эканлиги, яъзи сифатларни эгаллаб борган инсон шундай мартабага кўтарила олиши ҳамда комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартаба эканига урғу беради.¹¹ Улуғ шоир Навоий ғазалларида айни маъноларни ифодаловчи байтлар мавжуд:

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшук ёхуд армани, ёхуд араб.

¹¹ Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, "Мъनावият", – Б. 143.

Хулоса ўлароқ шуни айтиш мумкинки, Навоий ва салаф шоирлар ғазалиётида ишқдаги поклик воситасида юксак инсоний сифатлар: ўзликни таниш, инсон деган шарафли номга эга бўлиш, шунингдек, ноёб фазилатлар соҳиби бўлишга даъват этилади. Улардаги ишққа берилган таъриф-тавсифлар бир-бирини тўлдириб, буюк ижодкорларнинг ишққа оид фалсафий қарашларини теран англашга имкон яратади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Гиёсиддин Хондамир. Макоримул ахлоқ. Тошкент, Академик нашр. 2018.
2. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. Тошкент: – Маънавият, 2001.
3. Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги. – Тошкент: Академнашр, 2019.
4. Давлатов О. Алишер Навоий ижодида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини. ПхД дисс. – Самарқанд, 2017.
5. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. – Тошкент: Маънавият, 2001.
6. Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.